

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«InFinBANK» АЖ
Бошқарув Раиси ўринбосари
Б.С. Джураев



“15” Июль 2023 й.

**Миллий ва чет эл валюталарида муддатли омонат очиш ва унга хизмат кўрсатиш учун шартнома тузиш бўйича жисмоний шахсларга
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100029, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Банк”) ушбу билан мазкур расмий таклифни қабул қилган жисмоний шахслар (кейинги ўринларда “Мижоз”) га куйида кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан миллий ва хорижий валютада муддатли омонат бўйича (кейинги ўринларда “банк ҳисоб рақами”, “ҳисоб рақам” ёки “омонат”) амалиётларни амалга ошириш юзасидан хизматларни таклиф қилади.

1.2. Ушбу оммавий оферта Мижозга миллий ва хорижий валютада муддатли омонат очишда банк омонати шартномаси ҳисобланади.

1.3. Ушбу шартноманинг предмети бўлиб Банк томонидан Мижознинг пул маблағларини муддатли омонатга қабул қилиш, барча турдаги ҳисоб-китоб ва касса хизматларини амалга ошириш, Мижознинг банк ҳисоб рақамига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва ўтказиш ҳамда Мижознинг тегишли маблағларини ўтказиш ва бериш бўйича топшириқларини бажариш ҳисобланади.

1.4. Мижоз томонидан Банк хизматлари ўз вақтида тўланганда ва ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятлари бажарилганда Банк томонидан ушбу шартнома бўйича хизматлар кўрсатилади.

1.5. Омонат муддати тугагандан сўнг шартнома талаб қилиб олингунча омонат шартлари бўйича узайтирилган ҳисобланади. Талаб қилинмаган омонат суммаси, шунингдек омонат бўйича барча ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар Банкда очилган талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамига ўтказилади. Маблағлар талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамига ўтказилган пайтдан бошлаб талаб қилиб олингунча омонат бўйича фоизлар Банк Тарифларига мувофиқ ҳисоблаб борилади.

2. ШАРТНОМА ТУЗИШ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу муддатли омонат шартномаси мижоз-жисмоний шахслар билан оммавий оферта шартларида тузилади. Жисмоний шахс томонидан мазкур оммавий офертанинг 1-иловасидаги шакл бўйича Банкка ариза берилиши акцепт (ушбу шартномани тузишга розилик) деб ҳисобланади. Банк томонидан акцепт олинган ва омонат суммаси Банкка келиб тушган пайтдан бошлаб ушбу шартнома ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади.

2.2. Банк ҳисоб рақамини очиш Мижознинг аризаси, шунингдек унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси асосида амалга оширилади.

2.3. Омонатнинг шартлари тегишли омонат паспортида кўрсатилади (Илова № 2).

3. ФОИЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА ҲИСОБГА ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар тегишли омонат шартларига мувофиқ тўланади.

Омонат суммасига фоизлар у Банкка (Мижознинг омонат ҳисобварағига) келиб тушган куннинг эртасидан бошлаб то у Мижозга қайтариладиган ёки бошқа асосларга кўра Мижознинг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариладиган кундан олдинги кунгача ҳисоблаб чиқарилади. Мижознинг ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида Банк ушбу ҳисобварақдаги маблағлардан фойдалана олмаган бўлса, ушбу давр учун фоизлар ҳисоблаб чиқарилмайди. Жума куни ҳисоблаб чиқариладиган фоизни ҳисоб-китоб қилишда фоизларни жума, шанба ва якшанба кунлари учун ҳисоблаб чиқариш учун одатда 3 кун ҳисобга олинishi керак. Агар жорий ой жума ёки шанба куни тугайдиган бўлса, у ҳолда ҳисоблаб чиқариш тегишлича бир ёки икки кун олдин амалга оширилади. Ҳафта охиридаги қолган кун (кунлар) учун кейинги ойнинг биринчи иш кунida ҳисоблаб чиқарилади. Агар жорий кун шанба куни тугайдиган бўлса, ой учун охириги ҳисоблаб чиқариш жума куни икки кун (жума ва шанба кунлари) учун акс эттирилади. Шундан сўнг кейинги душанба куни ҳисоблаб чиқариш кейинги икки кун – якшанба ва душанба кунлари учун амалга оширилади. Байрам кунларига нисбатан худди шундай жараён қўлланилади.

3.2. Омонатни қисман, шунингдек муддатидан олдин ечиб олиш, омонатни тўлдириш ва бошқалар тегишли омонат шартларига мувофиқ амалга оширилади.

3.3. Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган ва доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан олинadиган солиқ норезидентга даромад тўловчи солиқ агенти томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ушлаб қолинади. Солиқнинг ушлаб қолиниши солиқ тўловчининг даромадларидан бундай даромадларнинг ҳар бир тўлови пайтида амалга оширилади.

4. МИЖОЗНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мижоз қуйидагиларга ҳақли:

- Банк ҳисоб рақамида турган ўз пул маблағларини мустақил бошқариш, ўз ҳисоб рақамига нақд ва нақд пулсиз шаклда пул маблағлари киритиш;
- агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу шартнома ва омонат шартлари бўйича омонат маблағини тўлдириш;
- омонат муддати тугагач, омонатни ва у бўйича фоизларни талаб қилиш;
- Банкдан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини тузиш ва банк амалиётларини юритиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;
- нақд пулсиз ҳисоб-китобларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида маълумот олиш;
- ҳисоб рақамдаги маблағларни шахсан ҳамда ўз вакили орқали (ишончнома асосида) тасарруф этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса;
- Банкдан ушбу шартнома шартларига риоя қилишни талаб қилиш;
- ўзи олган кредит (қарз) бўйича гаровда турган ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини кредит (қарз) ни тўлашга йўналтириш;
- ушбу шартномани Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш;
- ариза асосида СМС-хабардор қилиш хизматидан воз кечиш;
- муддатли омонат ҳисобварағи очилганда омонат дафтарчасини ўз хоҳишига кўра расмийлаштириш ёки расмийлаштирмаслик;
- агар Банкда янги омонат дафтарчалари мавжуд бўлиб, дафтарча саҳифалари тўлиқ тўлдирилган, яроқсиз ҳолга келган ёки йўқолган бўлса, Банк Тарифларига мувофиқ (агар бу Банк Тарифлари билан назарда тутилган бўлса) воситачилик ҳақини тўлаб, янги омонат дафтарчасини олиш.

4.2. Мижоз қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

- Банкда белгиланган иш вақтига, тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибига, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига риоя қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ банк ҳисоб рақами бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- ўз ҳисоб рақами ҳолати тўғрисида маълумот олаётганда, ўтказилган амалиётларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш. Ўтказилган амалиётларда оғишлар, бузилишлар ёки шубҳалар аниқланган тақдирда, бундай маълумотлар олинган пайтдан бошлаб 2 иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда Банкни ёзма равишда хабардор қилиш;

- хизматлар кўрсатилган кун амал қилган ҳисоб рақамга хизмат кўрсатиш учун Банк томонидан белгиланган тарифларга мувофиқ банк хизматлари учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

- Банкка тақдим этилган ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг нотўғрилиги учун мустақил равишда тўлиқ жавобгар бўлиш;

- шахсни тасдиқловчи ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар, ўзгарган яшаш жойи ва боғланиш телефон рақамлари тўғрисида дарҳол шу куннинг ўзидаёқ Банкни хабардор қилиш, шунингдек, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этиш;

- ҳисоб рақам бўйича ҳар қандай амалиётларни амалга оширишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат (мижоз вакили учун эса шунингдек белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома) ни тақдим этиши;

- агар омонатчи муддатли омонатни муддати тугашидан олдин ёки бошқа кузда тutilмаган ҳолатларда омонатни қайтаришни талаб қилса қайтаришни мулжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилишни лозим;

- ҳисоб рақам ёпилган куни омонат дафтарчасини Банкка қайтариш (дафтарча йўқотиб қўйилган ҳолатлар бундан мустасно).

4.3. Мижоз Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Банк қуйидагиларга ҳақли:

- ҳисоб рақамга нисбатан талаб қўйилганда пул маблағларининг мавжудлигини ва Мижознинг ушбу маблағларни ҳисоб рақамдаги маблағ доирасида эркин тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлаган ҳолда Мижознинг банк ҳисоб рақамидаги пул маблағларидан молиявий ресурслар манбаи сифатида фойдаланиш;

- омонат муддати тугагандан сўнг омонат суммасини ва унга ҳисобланган фоизларни талаб қилиб олингунча омонатга ўтказиш;

- Банк тарифларига мувофиқ Банкка тўланиши лозим бўлган воситачилик ҳақини Мижознинг ҳисоб рақамидан акцентсиз ечиб олиш;

- ҳисоб-рақамга хизмат кўрсатиш учун тарифларни белгилаш;

- Мижоз томонидан амалдаги қонун ҳужжатларини, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга ҳамда оммавий қирғин куруллари тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳолатлари мавжуд бўлганда, шунингдек ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби ва уларни Банкка тақдим этиш муддатлари бузилганда Мижознинг банк ҳисоб рақами бўйича амалиётларни тўхтатиб туриш ёки уларни амалга оширишни рад этиш;

- Мижоз ёки унинг операцияси санкциялар доирасига кирса ёки унга кириш хавфи мавжуд бўлган тақдирда, банк Мижоз томонидан ўтказиладиган операцияни ўрганиш учун қўшимча маълумотларни талаб қилишга, операция суммасини чеклаш, операцияни чеклаш (рад этиш) ёки

хизмат кўрсатишни рад этиш ва мижоз билан тузилган шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари билан Банк зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришга қаратилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;
- омонатдаги маблағлар қолдигининг омонат дафтаридаги ёзувларга мувофиқлигини текшириш учун Мижознинг Банкка келиш зарурати тўғрисида Мижозни ёзма ёки телефон орқали хабардор қилиш.
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу Шартномани бекор қилиш талабини қўйиш.
- Мижоз ушбу билан Банк тегишли маълумотларни Банк веб-сайтида камида 10 (ўн) календарь куни олдин жойлаштириш орқали Мижозни аввалдан хабардор қилган ҳолда қуйидагиларни ўз ихтиёрига кўра ўзгартириши мумкинлигига розилик билдиради, жумладан:
 - Банк Тарифларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш: Мижоз томонидан Банкка комиссия тўлаш ва мазкур шартнома бўйича банк хизматлари билан боғлиқ бошқа тўловларни амалга оширишнинг миқдори, тартиби ва шартларини ўзгартириш;
 - Ушбу офертага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. Банк операциялари бўйича лимитлар ўрнатиш ва уларни ўзгартириш;

5.2. Банк қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

- ушбу шартномада назарда тутилган тартибда ва шартларда Мижознинг банк ҳисоб рақамига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш, Мижознинг ҳисоб рақамидан тегишли маблағларни ўтказиш ва ечиб олиш бўйича топшириқларини бажариш, омонатга доир амалиётлар бўйича бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;
- Мижознинг ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш ёки тегишли тўлов ҳужжати Банк томонидан қабул қилинган куннинг ўзида унинг ҳисоб рақамидан пул маблағларини чиқариш, агар у Банкнинг амалиёт ўтказиш кунини келиб тушган бўлса. Агар тўлов ҳужжати амалиёт куни тугаганидан кейин келиб тушган бўлса, Банк кейинги иш кунидан кечиктирмай тўловни амалга ошириши шарт;
- Мижознинг ҳисоб рақами бўйича амалиётларни сир сақлаш. Мижознинг розилигисиз ҳисоб рақам бўйича амалиётлар тўғрисидаги маълумотлар фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида назарда тутилган ҳолларда учинчи шахсларга тақдим этилади;
- Мижоз тарифлар билан мустақил равишда танишиши учун Банкнинг www.infinbank.com расмий сайтыга Банк тарифларини жойлаштириш;
- нақд пул қўйиш учун Мижозни ариза бланкалари билан таъминлаш;
- Мижознинг талабига биноан ҳисоб рақамдан кўчирмалар тақдим этиш.

5.3. Банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.4. Банк амалиётлари бўйича ўрнатилган лимитлардан ошган амалиётларни андеррайтинг текширувидан ўтказган ҳолда бажариш.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Мижоз ўзи томонидан Банкка тақдим этилган пул-ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳужжатлардаги маълумотларнинг нотўғрилиги ёки сохталиги учун жавобгар бўлади ва Банкка бундай маълумотларни тақдим этиш натижасида етказилган зарарни қоплаши шарт.

6.2. Мижоз телефон рақами ўзгарганлиги ҳақида Банкни ўз вақтида хабардор қилмаган тақдирда Банк Мижознинг мобил телефонида омонат тўғрисида СМС-маълумот жўнатганда банк сирларининг ошкор этилиши учун, шунингдек, унга омонат бўйича хабарларни ўз вақтида юбормаганлик учун жавобгар бўлмайди.

6.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган ҳолларда томонлар (Банк ва Мижоз) ушбу шартнома бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бузганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

7. ФОРС – МАЖОР

7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинадилар, агар ушбу шартнома тузилгандан кейин томонлар олдиндан кўра олмаган ва оқилона чоралар билан олдини ололмаган фавқулодда ҳолатлар оқибатида юзага келган енгиб бўлмас куч натижасида бўлса.

7.2. Енгиб бўлмас куч ҳолатлари юзага келган тақдирда, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари амал қиладиган вақтга мутаносиб равишда кечиктирилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома Банк томонидан Мижоз акцепти олинган пайтдан ва омонат суммаси Банкка келиб тушган кундан бошлаб ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади ва томонлардан бири уни бекор қилмагунча амал қилади.

8.2. Ушбу шартнома Мижознинг аризасига биноан исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

8.3. Банкнинг талабига биноан ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

8.4. Муддатли омонат шартномасини бекор қилиш Мижознинг ҳисоб рақамини ёпиш учун асос ҳисобланади.

9. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

9.1. Шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ, Мижоз Банкка ўз фаолиятини юритиш, Банк томонидан мазкур шартнома шартларини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа мақсадларда Банк томонидан Мижознинг ҳар қандай шахсий маълумотларига ишлов бериш ва улардан фойдаланишга муддатсиз розилигини тақдим этади.

9.2. Ушбу билан Мижоз барча алоқа воситалари: почта тарқатмаси, СМС-тарқатма, овозли тарқатма, электрон хатлар тарқатмаси ва ҳ.к.дан фойдаланган ҳолда, аммо улар билан чекланмасдан бевосита алоқаларни амалга ошириш йўли билан Банк хизматларини тарғиб қилиш билан боғлиқ реклама материалларини Банкдан қабул қилишга ўз розилигини билдиради.

9.3. Омонат муддати тугаганидан кейин талаб қилиб олингунча омонатга пул маблағлар ўтказилгандан сўнг, Мижознинг аризасига асосан (ушбу офертага 2-илова):

- Агар бир йил давомида ҳисобварақда ҳеч қандай операциялар амалга оширилмаса ва ҳисобда қолдиқ бўлмаса, Банк шартномани бекор қилади ва Мижознинг ҳисобварағини ёпади;

- Агар бир йил давомида ҳисобварақ бўйича операциялар амалга оширилмаган бўлса ва ҳисобварақ бўйича қолдиқ мавжуд бўлса, ҳисобварақдаги қолдиқ Банк томонидан ҳаракатсиз ҳисоб рақамига ўтказилади, шундан сўнг ушбу шартнома бекор қилинади ва Мижознинг ҳисобварағи ёпилади.

9.4. Агар Мижоз банк ҳисобварағидаги қолдиқ ҳаракатсиз ҳисобвараққа ўтказилганидан кейин 10 йил давомида ушбу қодикни талаб қилмаса, ҳаракатсиз ҳисобварақдаги қолдиқ “29840 – Молия вазирлигига ўтказиладиган талаб қилиб олинмаган депозитлар” ҳисобварағига ўтказилади.

9.5. Агар техник жиҳатдан имкон бўлса, омонат (омонат очилаётган филиалда очилган барча депозитлар) очишда омонат қолдиғи, кирим ва чиқим амалиётлари тўғрисида ва бошқа зарур маълумотларни Мижознинг мобил телефонига юбориш учун СМС-хабарнома хизмати уланади.

9.6. Омонат бўйича амалиётлар тўхтатиб қўйилган ҳолларда, Банк амалиётлар тўхтатилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай Мижозга унинг ҳисоб рақамига хизмат кўрсатиш тўхтатиб қўйилганлиги ва унинг сабаблари тўғрисида маълумот (хабар) юборади.

9.7. Кредитлар, микроқарзлар ва лизинг бўйича қарзларни тўлаш учун омонатдан пул маблағлари Мижознинг топшириғисиз ечиб олинган тақдирда, Банк пул маблағлари ҳисобдан чиқарилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай Мижозга почта орқали ечиб

олинган сумма ва бунинг сабаблари, шунингдек у кимнинг фойдасига амалга оширилганлиги хақида хабарнома юборади.

9.8. Ушбу Шартноманинг 9.6 ва 9.7.-бандларида назарда тутилган маълумотлар (хабарномалар) Мижозга шахсан, электрон алоқа ва бошқа алоқа каналлари орқали ҳам етказилиши мумкин. Мижоз маълумотни (хабарномани) етказиб бериш усулини Банкка шахсан келиб ёки почта орқали ёзма ариза бериш йўли билан ўзгартиришга ҳақли. Шу билан бирга Мижоздан қабул қилинган ариза Банк томонидан унинг банк ҳисоб рақамига доир йиғма жилдда ёки омонат ҳисоб рақамлари бўйича алоҳида картотекада сақланади. Маълумотномани (хабарномани) Мижозга етказиб бериш усулининг ўзгариши муносабати билан ушбу шартномага ўзгартиришлар киритиш талаб этилмайди.

9.9. Ҳисобварақдан фойдаланган ҳолда банк операцияларини масофавий амалга оширишда Мижоз куйидагилар хақида огоҳлантирилади:

- ноқонуний операцияларга аралашиб қолиш хавфи Мижознинг зиммасида эканлиги хақида;
- Мижоз ноқонуний операцияларга аралашиб қолган тақдирда, банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тегишли чоралар кўриши хақида.

9.10. Банкнинг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чақириб олинган тақдирда Мижознинг Банкдаги омонати бўйича ҳақ тўлашни кафолатлаш Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан амалга оширилади. Фонд томонидан Мижознинг Банкдаги омонати бўйича ҳақ тўлашнинг кафолатланиши Банк қайта ташкил этилиши муносабати билан лицензия чақириб олинган ҳолларга татбиқ этилмайди.

9.11. Ушбу Шартномадан келиб чиқадиган барча низоларни томонлар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қиладилар. Томонлар келишувга эришмаган келишмовчиликлар банк жойлашган жой бўйича судда ҳал қилинади.

9.12. Ушбу Таклифни қабул қилиш орқали Мижоз Шартноманинг барча шартларини сўзсиз қабул қилганлигини тасдиқлайди ва уни бажариш мажбуриятини олади.

9.13. Банк ушбу Офертанинг янги таҳририни ва Банк Тарифларини веб-сайтга жойлаштириш орқали ушбу Оферта шартларига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга. Киритилган ўзгаришлар Банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган пайтдан бошлаб Банк ва Мижоз учун мажбурий бўлиб қолади.

10. БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“InfinBank” АЖ

СТИР: 206942764, МФО: 01041, ОКЭД: 64190

манзил: 100029, Тошкент ш., Т. Шевченко, 1

тел.: (71) 202-50-60; факс: (71) 140-50-70

**Жисмоний шахсларга миллий ва хорижий валютада муддатли омонат ҳисоб рақамини
очиш ва унга хизмат кўрсатиш учун шартнома тузиш тўғрисидаги
Оммавий офертага 1-илова.**

**Ҳисоб рақам очиш учун
АРИЗА**

	дан
--	-----

Ҳисоб рақам очишингизни сўрайман:

Ҳисоб рақам тури:

- талаб қилиб олгунча депозити;
- муддатли депозит;
- омонат депозити;
- бошқа _____;

Ҳисоб рақам валютаси:

- Сўм;
- АҚШ доллари;
- Евро;
- бошқа _____;

Омонат дафтарчасини ўз хоҳишига кўра расмийлаштириш расмийлаштирмаслик

Ўз имзоим намунасини бераман _____

Омонат муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг:

- Агар бир йил давомида ҳисобварағим бўйича амалиётлар амалга оширилмаса ва ҳисобварағимда қолдиқ бўлмаса, шартномани бекор қилишингизни ва ҳисобварағимни ёпишингизни;

- Агар бир йил давомида ҳисобварағим бўйича амалиётлар амалга оширилмаса ва ҳисобварағимда қолдиқ мавжуд бўлса, ҳисобварағимдаги қолдиқни ҳаракатсиз ҳисоб рақамга ўтказишингизни, шундан сўнг шартномани бекор қилишингизни ва ҳисобварағимни ёпишингизни сўрайман.

Оммавий оферта шартлари ва ҳисоб рақамга хизмат кўрсатиш тарифлари билан танишдим ва розиман.

Ҳисоб рақам эгасининг
имзоси

	Сана	_____ йил
---	------	-----------

БАНКНИНГ ИШГА ОИД ҚАЙДНОМАЛАРИ

Ишга оид ҳаракат / қарор / қайдлар	Ходимнинг Ф.И.Ш.	Имзоси
Аризани қабул қилди	_____	

_____ сонли	
ҳисоб рақам	
Қабул қилинди: сумма (сўз билан)	
Банк муассасаси коди (МФО):	